

БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИДАН БЎШАГАН МАЙДОНЛАРГА ЭКИЛГАН ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР МОНИТОРИНГИ

Аннотация: В этой статье кратко изложены методы мониторинга повторных посевов культур, посеянных на участках освобожденных от зерновых культур, и мониторинга вторичных культур выращиваемых в зоне производства продуктов питания для населения.

Ключевые слова: Мониторинг, сельское хозяйство, повторный посев, зерновые культуры, орошаемая земля, геоинформационные технологии.

Abstract: This article summarizes methods for monitoring the re-sowing of crops sown in areas liberated from grain crops and for monitoring secondary crops grown in the food production area for the population.

Кириш. Ер мониторинги ер фондидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш мақсадида унинг ҳолатини кузатиб бориш тизимидан иборатдир.

Тадқиқот усули. Тадқиқотни муддатлари ва даврийлигига кўра ерларнинг ҳолатини қуйидаги гуруҳга ажратган ҳолда кузатишларни олиб борамиз.

1. Базавий (ер мониторингини юритишнинг дастлабки босқичида кузатиш объектларининг ҳақиқий ҳолатини қайд этувчи бошланғич) кузатишлар;

2. Даврий (йиллик ва даврлар бўйича) кузатишлар;

3. Тезкор (жорий ўзгаришларни қайд қилувчи), бир йилдан кам оралиқ даврда мунтазам ёки бир йўла бажариладиган кузатишлар.

Тадқиқот объектини Республикамизда 2019 йилда бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга экилган такрорий экин майдонлари ташкил қилади.

Республикамизда 2019 йил январ ойи ҳолатига суғориладиган ерлар 4312,4 минг гектардан иборат ва 1 109 548 гектар майдонга бошоқли дон экинлари жойлаштирилган. Бу ўз навбатида ерлардан унумли ва самарали фойдаланишни мунтазам мониторингини юритишни тақозо этади.

Тадқиқот натижалари. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра қуйидагилар аниқланди:

Куз ойида сабзавот ва ноябрь-декабрь ойларида тўқсонбости усулида сазавот экинлари экилиши юзасидан ўтказилган мониторинг юзасидан республика бўйича 2017 йил куз ойларида экилиши белгиланган 218 минг 288 гектар сабзавот экинларини 183 минг 589 гектари фермер хўжаликлари томонидан экилиши режалаштирилган бўлиб, 90 минг 460 гектар экилган ёки 93 минг 129 гектарга кам экилганлиги аниқланган.

2018 йил ҳосили учун экилган ғалладан бўшаган майдонга такрорий экинлар экилиши юзасидан ўтказилган мониторинг натижасида республика бўйича 1 млн 112 минг 171 гектар экилган ғалла

майдонининг 61% га экинлар экилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 619 минг 575 гектарга ёки 91% га такрорий экинлар экилганлиги аниқланган.

2019 йил ҳосили учун суғориладиган ер майдонларига бошоқли дон экинлари экилган майдонларда ўтказилган мониторинг натижасида, республика бўйича 1 091 635 гектар майдонга бошоқли дон экинлари экиш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 1 109 548 гектар майдонга (101,2%) бошоқли дон экинлари экилганлиги ёки режага нисбатан 17 914 гектарга кўп экилганлиги аниқланди.

Хулоса. Мониторинг тадқиқотлари ва замонавий геоинформацион технологиялар қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш секторининг агробиологик ва технологик потенциални бошқаришни янги даражага кўтариш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсишини ошириш, фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятини яхшилаш, аҳолини доимий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қодириш, шунингдек минтақадаги ер ресурсларини бошқариш ва бошқариш тизимини кучайтиришга имкон беради.

**Р.Тўраев,
“Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ бош
директори,
Т.Абдуллаев,
“Давергеодезкадастр” давлат
қўмитаси раисининг биринчи
ўринбосари,
Абдуллаева М.Т.**

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Раҳмонов Қ.Р. Ер мониторинги. Ўқув қўлланма. Т.-2008 й.-155 б.

2.Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида МИЛЛИЙ ҲИСОБОТ, Тошкент, 2019.

3.Варламов А.А., Захарова С.Н. Мониторинг земель. М.: «ГУЗ», 2000. - 158-с.